



Бахтиёрлик йўлидаги ғовлар

Бу ҳаётда бахтиёрликка эришиш йўлида бир қатор ғовлар бор экани шубҳасиздир.

Ҳурматли ўқувчи, бу ерда биз сизга ушбу ғовлардан баъзиларини баён қиламиз. Сиз эса уларни ўқиб, ўзингиз учун фойда олишга ҳаракат қилинг. Бу ғовларнинг энг биринчиси куфр.

1 - Куфр

Аллоҳ атъоло бу ҳақда шундай деган:

«(Аллоҳ) Кимни адаштиришни истаса, унинг кўксини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб кўяр. Шунингдек, Оллоҳ иймонсиз кимсаларга разолатни (ғолиб) қилур.» (Ан'ом: 125).

Буюк Қуръон бахтсизлик ва шақоватни шундай нозик бир сурат билан тасвир этмоқда.

2 - Гуноҳлар, хатолар ва жиноятлар

Мен бунга мисол келтирмайман, чунки бу очиқ ва равшан нарса. Лекин мен, бу мавзуни баён қилиш учун мусулмон бўлмаган баъзи муфаккирларнинг сўзларидан мисол келтираман. Доктор Алекс Карел шундай дейди:

«Инсон хатолардан келиб чиқадиган ўта катта натижаларни ханузгача идрок қилгани йўқ. Умуман айтганда у натижаларни муолажа қилиш мумкин эмас».



Ислом Нури

Яна бошқа ғайри муслим муфаккир Суқрот шундай деган:

«Жиноятчи, доимо ўзининг қурбонига қараганда бахтсизроқдир. Жиноятга қўл уриб, жазосини олмаган жиноятчи, инсонларнинг энг бахтсизидир».

Бу - икки файласуфнинг сўзларидир. Ҳолбуки биз, (мусулмон ўлароқ) пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бирининг гуноҳ қилиб, виждон азобидан тура олмагани, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, мени покланг!»- деб бир неча бор мурожаат қилгани ва унга расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жазо берганларини жуда яхши биламиз. (Бу ҳодисани Имом Муслим ривоят қилдилар. Қаранг: 11/ 199.)

3 - Ҳасад ва қизғаниш

Ҳасад ва қизғаниш шундай ёмон ва таҳликаликки, Аллоҳ ҳасад қилган одамнинг ёмонлигидан паноҳ сўраб Ўзига илтижо қилишимизни бизга амр қилди:

«Мен тонг Парвардигоридан (менга)..... ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман» (Фалақ: 5).

Аллоҳ таоло бошқа бир оятда эса: **«Ёки одамларга Оллоҳ ўз фазлу карамидан берган нарсага ҳасад қияптиларми?»** - деди (Нисо: 54).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз умматига кўрсатма бериб шундай дедилар:



Ислом Нури

«Бир-бирингизга ҳасад қилмангиз, алоқаларингизни узмангиз, бир-бирингизни ёмон кўрмангиз, бир-бирингиздан юз ўгирмангиз, эй Аллоҳнинг бандалари бир-бирингиз билан ака-ука бўлингиз!»Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Ҳасаднинг нақадар ёмон эканига баъзи кофир душманларимиз айтган сўзлардан далил ўлароқ келтиришимизга ҳеч бир монёъ йўқдир. Виктор Боших шундай дейди:

«Ҳасад, кўра олмаслик ва адоват – бир нарсанинг уч қутбига ўхшайди. Бу уч нарса шунчалар офатки, инсон соғлиғини улар каби бузадиган ва заҳарлайдиган бошқа нарса йўқдир! Улар одамнинг ишлаб чиқариш ва ихтиро қилиш қувватини синдирган заҳарлардир».

4 - Кин ва нафрат

Кин ва нафрат бахтиёрлик ғовларидан. Аллоҳ таоло деди:

«...қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин.» (Ҳашр, 10).

Аллоҳ таоло бу оятида мўминларнинг иймон келтирган дўстлари ҳақида қандай хайрли дуоларда бўлишлари, қалбларини кин ва нафратдан узоқ қилиб, бахтиёр ҳаёт кечиришни хоҳлаганларини бизларга баён қилмоқда.

Бундан ташқари, Аллоҳ таоло мўминларнинг жаннатдаги абадий ҳаётлари ҳақида хабар берар экан, шундай дейди:

«Остларидан дарёлар оқиб турар экан, уларнинг кўнгилларидан (бир-бирларига нисбатан бўлган) ғиллу ғашликларни тортиб



Ислом Нури

олурмиз» (Аъроф, 43).

Исломий ёзувчилардан Иброҳим Жамол бу мавзуда шундай дейди:

«Кин ва нафрат қилувчи одамнинг фикри-хаёли доимо нафрат қилган кишисидан қандай қилиб ўч олиш билан банд бўлади. Гоҳида унинг ҳақида ёлғон сўзлайди, гоҳида унга зарар келтиради. У ўч олиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди, кўрқмайди».

5 - Ғазаб

Ғазаб, яъни шиддат ва қизиққонликнинг бахтиёр бўлиш ҳамда кўнгил хушлик учун ғов эканида ҳеч шубҳа йўқдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Қуръон Каримда мўминларни мақтамоқда:

«Улар катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан четланадиган, ғазабланган вақтларида эса кечириб юборадиган зотлардир.» (Шуро, 37).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадис шарифларида шундай деганлар:

«Ҳақиқий паҳлавон рақибини йиқитган эмас, ғазабланганида ўзини ушлай олган одамдир!» (Муттафақун алайҳ).

6 - Зулм

Зулм, ўзининг барча турлари билан, бахтсизлик манбаларидан биридир. Унинг натижаси ўта ҳалокатли.

Мен зулм ва золимликнинг ёмон оқибатларини тасвирлаб берадиган



Ислом Нури

иккита мисол келтирмоқчиман. Бу мисолларнинг ҳар иккиси ҳам бизнинг замонамизда содир бўлган ибратли ҳолатлардир. Бу икки золимдан бири Ҳамза Басюний, иккинчиси эса Солиҳ Насрдир.

Буларнинг ҳар иккиси ҳам (мустақилликка эришган Мисрнинг) ҳалок бўлиб кетган (илк бош вазири) Жамол Абдунносирнинг аскарлари эди. Уларнинг Ислом дини даъватчиларига қилган зулмлари – азобу қийноқлари, эшитган одамнинг этини жунжитиб юборадиган даражада эди! Хўш, уларнинг оқибатлари қандай бўлди?

Ҳамза Басюний шафқатсизлик, зулму туғёнда шу даражага етган эдики, мусулмонларни қийноққа солаётганида улар Аллоҳдан мадад сўраганлари сайин: **«Сизларнинг ўша Аллоҳингиз қаерда? Уни ҳам темир панжара ортига тикаман!»**- дер эди.

Салоҳ Насрга эса, у бошқача усуллар билан зулм қиладиган золим эди. У бошқа бировларнинг никоҳида бўлган гўзал хотинларга кўзи тушиши билан, уларга сохта никоҳлар билан уйланиб олар эди.

Бу икки золимнинг оқибати қандай бўлди?

Ҳамза Басюний бир куни сайёраси билан Қоҳира шаҳридан Искандария шаҳрига кетар экан, йўлда темир ортиб кетаётган юк машинасига урилди. Темирлардан биттаси унинг бошидан кириб ичак-чавоқларигача тилка-пора қилиб ташлади. Қутқарувчилар унинг жасадини бўлак-бўлак қилиб чиқаришдан ўзга чора топмадилар.

«Қани ўша Аллоҳларинг уни ҳам темирга қўяман», деган ушбу золимни Аллоҳ таоло **темир** билан ўлдирди. Аллоҳ золимлар айтаётган нарсалардан Олий бўлган Қудратли Зотдир.



Ислом Нури

Солиҳ Наср ҳам ҳаётининг охирларини жуда ёмон ҳолатда ўтказди. Ўнга яқин оғир ва тузалмас касалликка чалинди ва хорлик ҳаётини яшади. Тиб-медицина унинг касалига чора топа олмади. Ваниҳоят у, ўзи югурдаклик қилган раҳбарларининг турмаларида жаҳаннам ҳаёти ичида ҳалок бўлди...

Албатта, Аллоҳ буюқдир! «Аллоҳ золимларга муҳлат бериши мумкин, бироқ, уларни ҳеч ҳам унутмайди! У қачонки уларни қилган зулмлари сабабли азоб билан ушлайдиган бўлса, улар ҳаргиз ундан қутила олмайдилар!».

7 - Аллоҳдан бошқасидан кўрқмоқ

Буюқ ва Қудратли Аллоҳдан бошқасидан кўрқиш – зиллат, хорлик ва бахтсизликни келтириб чиқаради. Шундай бўлгани учун ҳам, Аллоҳ таоло Бани Исроил ҳақида бизга қуйидаги хабарни бермоқда:

«Ахир бу кимсалар учун ундай жойларга фақат кўрққан ҳолларида кириш жоиз эди-ку.» (Бақара, 114)

Аллоҳ таоло деди:

«Албатта ўша (сизларни васвасага солмоқчи бўлган) шайтоннинг ўзидир. У сизларни ўзининг дўстларидан (кофирлардан) кўрқитмоқчи бўлади. Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан кўрқмангиз, мендан кўрқингиз!» (Оли Имрон, 175).

Қуръон Каримда Иброҳим алайҳиссаломнинг ўз қавмига айтганлари шундай ворид бўлган:

«Мен сизлар Оллоҳга шерик қилган бутларингиздан



Ислом Нури

қўрқмайман.» (Анъом, 82).

Шундай экан, Аллоҳ таолодан бошқасидан қўрқиш бахтиёрлик йўлидаги катта ва жиддий ғовлардан биридир.

8 - Шумланиш

Шумланиш деб кишининг бирон нарсада ўзи учун келажақда ёмонлик бўлишини тушунишига айтилади. Шумланиш кўплаб инсонларни қийинчиликлар ва бахтсизликка дучор қилган. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам некбинлик (яхши фол)ни ёқтирар, шумланишни қарих кўрар эдилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Доктор Азиз Фарид бу ҳақда шундай дейди: «Шумланишга мубтало бўлган одам шумланиши боис кўп қийинчиликларни кўтаради, шумланиш сабабли асабларининг бузилиши унга етган бошқа мусибатларда бузилишидан кўра кўпроқ бўлади».

9- Суу-зан - ёмон гумон

Бахтиёрлик ғовларидан бири - ёмон гумонда бўлишдир. Барча камчиликлардан муназзаҳ бўлган Аллоҳ таоло шундай деди:

«Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир!» (Ҳужурот: 12).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Гумондан сақланинглар. Гумон (қалб сўзи) сўзларнинг энг ёлғонидир».**



Ислом Нури

10 - Мутакаббирлик

Кибрли одам ҳаёти давомида бахтсиз ва абадий бахтиқароликка маҳкумдир. Чунки у, ўз инсонлигини тушуниб етмаган, кеккайиб инсонларни чумоли каби кўрган ҳамда ҳақ-ҳуқуқ нима эканлигини билмаган инсондир.

11 - Қалбнинг Аллоҳдан бошқасига боғланиши

У ошиқнинг қалби маъшуқасига боғлангани кабидир.

Бунинг нақадар таҳликали эканини билиш учун Лайлининг ошиғи Мажнуннинг ҳикоясини ўқиш кифоядир. Бу бечора одам Лайлига ошиқ бўлиб, унинг ишқи туфайли ит азобида яшаб, жинни бўлиб, дарбадарликда ошиқлигича ҳалок бўлган.

Мажнун каби қанча-қанча ошиқлар ишқи билан ўлиб кетдилар ва Аллоҳ ҳузурига қалблари Ундан ўзгага боғланган ҳолда бордилар. Дунёю охирати куйиб кетишдан кўра ҳам каттароқ зиён борми?!

12 - Гиёҳванд моддалар

Афсуски, бугун кўпчилик бахтиёрликни гиёҳванд моддалар ва маст қилувчи ичимликларга берилишда деб ўйлаб, улар томон кетмоқдалар. Улар бу билан гўё ўзларини дунёнинг чарчоқлари, ғам ва кадарларидан қутқармоқчи бўладилар. Уларнинг ҳоли ёмғирдан қочиб қорга йўлиққан кишига ўхшайди.

Чунки гиёҳванд моддалар ҳақиқатда бахтиёрлик йўлидаги тўсиқлардандир. Улар фақат изтироб, бадбахтлик, умидсизлик, шоллик ва ҳалокатнигина олиб келади. Шахснинг, жамиятнинг ва



бутун умматнинг ҳалокатини олиб келади.

Замонамизда содир бўлаётган бундай ҳодисалар сўзимизнинг жонли ҳужжатларидир. Ақли бўлган ва ибрат олмоқчи бўлган инсонлар ана шулардан ибрат олсинлар!

Энди, бахтиёрлик йўлидаги ўн икки ғовни таниганимиздан кейин, бу ғовлардан қандай қутулишимиз мумкинлиги, бахтиёрлик сари олиб борадиган йўл ва сабаблар нималардан иборат эканини бир кўриб чиқайлик.

Бахтиёрликнинг ҳақиқий сабаблари нималар ва ҳақиқий бахтиёр инсонлар кимлар??